

Қирғизистон: Милиция зўравонлиги, таъмагирлик тахдид,тазийқлар ва гейларга жинсий таъжовуз

(Бишкек, 28 январ 2014) – Милиция тарафидан зўравонлик, шантаж ва таъмагирлик қилиниши, бу каби жиноятлар учун жавобгарликка тортилиш эҳтимоли йўқлиги Қирғизистонда кенг кўлам ва қамровга эга ҳолатдир. Айниқса, жинсий озчиликлар бундай қонунбузарликлардан умуман ҳимояланмаган. Чуқур муҳофазакор жамиятда гейлар ва бисексуал эркалар ўзбошимчаликларга осонгина нишон бўлмоқда, дейилади Хьюман Райтс Вотч бугун эълон қилган 65 варақлик ҳисоботда.

Қирғиз милицияси гей ва бисексуалларни айнан уларнинг жинсий мойиллиги асосида ҳибсга олишга юридик жиҳатдан ҳақли эмас. 1998 йилда қабул қилинган Жиноят кодекси бесоқолбозларга қарши совет давридан мерос қолган жазо тизимида барҳам берди. Қирғизистонда эрка билан эрканинг ўзаро розилик асосида жинсий муносабатга киришиши жиноят ҳисобланмайди. Шунга қарамай, Хьюман райтс Вотч милиция гей ва бисексуал эркаларни, шунингдек, ўсмирларни жамоат жойларида ҳеч бир асосиз равишда тўхтатиб, уларни айнан ҳақиқий ёки эҳтимолий жинсий ориентацияси учун ҳибсга олгани тўғрисида маълумотларга эга “Улар биз шунга лойиқмиз”, дейиши дея таъкидланади, Қирғизистонда милиция ходимларининг гей ва бисексуалларга нисбатан шафқатсизлиги деб сарлавҳаланган ҳисоботда.

Ҳисобот Қирғизистоннинг тўртта вилоятида истиқомат қилувчи 40 нафар гей ва бисексуал эркалар билан қилинган батафсил интервью асосида ҳозирланди. Хьюман райтс Вотч суҳбатлашган 40 нафар гей ва бисексуал бу ҳисоботни тайёрлаш пайтида милиция улардаги фош бўлишдан кўрқиб туйғусидан яхши хабардор эканини таъкидлашган. Ҳукумат барча шикоятлар айбдор шахслар жазоланишини таъминлайдиган тарзда тезкорлик билан тергов қилинишига эришмоғи даркор. Ҳокимият гейлар ва бисексуал эркалар, бошқа озчиликлар ўч олинишидан кўрқмасдан шикоят этиши учун жабрдийдалар ва гувоҳлар ҳимоясини таъминлайдиган дастур ишлаб чиқиши шарт.

“Гей ва бисексуал эркалар Қирғизистонда кенг урчиган гомофобик кайфиятлар боис доимий кўркувда яшайди. Полиция эса бу даҳшатли вазиятни янада ёмонлаштирмоқда” деди Хьюман Райтс Вотчнинг ЛГБТ бўйича тадқиқодчиси Анна Кирей (Anna Kirey). “Қирғизистон ҳукумати энг юқори даражада милиция томонидан гей ва бисексуаллар эркаларга нисбатан зўравонлик ва таъмагирлик муаммосининг кўлами ва жиддийлигини ошқора тан олиш, ўз зиммасига бу каби суиистеъмолликларга чек кўйиш учун зарурий чораларни кўриш мажбуриятини олиши керак”.

Милиция тарафидан зўравонлик, шантаж ва таъмагирлик қилиниши, бу каби жиноятлар учун жавобгарликка тортилиш эҳтимоли йўқлиги Қирғизистонда кенг кўлам ва қамровга эга ҳолатдир. Айниқса, жинсий озчиликлар бундай қонунбузарликлардан умуман ҳимояланмаган. Чуқур муҳофазакор жамиятда гейлар ва бисексуал эркалар ўзбошимчаликларга осонгина нишон бўлмоқда.

Милиция уларни танишув сайтлари орқали аниқлайди, гей клублар, меҳмонхона, гей ва бисексуал эркалар ва ўсмирлар учрашадиган истироҳат боғлари атрофида ўз тўрига туширади. Суҳбатдошларнинг бир нечтаси милиция ходимлари томонидан жинсий зўравонликка дучор қилингани, жумладан, номусига тегилгани, гуруҳ бўлиб зўрланганини билдирди. Шунингдек, сўралганлар милиция ходимлари гейларнинг орқа

чиқиш тешикларига калтак, болға ёки токли тўқмоқлар тикқанини ҳам айтди. Сўровда қатнашган жинсий озчилик вакиллари ҳибсга олинган пайтида милиция ходимларининг улардан ошқора ҳазар қилгани ва мажбурлаб ечинтирилгани ҳақида ҳам маълумот берди.

32 ёшли Фатхуллога (исми ўзгартирилган) дўстикўнғироқ қилиб, маҳаллий меҳмонхона ёнида унга ҳамтўшак бўлишга розилик берган бир эркак билан висол имконини гаплашиб қўйганини айтди. Фатхулло белгиланган учрашув жойига келганидаёқ милиция уни қўлга олди. Милиция ходимлари унинг қўлига кишан солиб, таҳқирлади. Милиция бўлимида зобит уни бошқа эркак билан ҳамтўшак бўлиш учун учрашувга чиққанига иқрорнома ёздириш учун юзи ва кулоғига тарсаки туширди. Ундан ишхонаси ва оила аъзоларининг телефони беришни талаб қилишган.

Офицерлар менга қараб, “сенга ўхшаганларнинг бу заминда туришга ҳам ҳаққи йўқ”, деб айтди. Мен уларга чарчаганимни айтиб ўтиришга изн сўрадим. Улар менга қараб “сен бу курсида ўтиришга лойиқ эмассан, сендан курси ҳам ҳазар қилади, курсини харом қилма” дейишди. Улардан бири юзимга тупурди. Улар менинг ҳаётда яшашга ҳаққи бўлмаганимни айтиб агар 10,000 сўм (US \$ 214) бермасанг йўқ қилиб юборамиз деб қўрқитишди.

Бошқа бир ҳолатда, Бишкеклик 32 ёшли Деметра Д., 2004 ва 2011 йил оралиғида юз берган тўртта алоҳида инцидент ҳақида хабар беради. Бунда уни ҳибсга олган полициячилар уни зўрлашган, зўрлашга уринишган, ёки бошқа маҳкумларнинг уни зўрлашига изн беришган.

Хьюман Райтс Вотч сўровида қатнашган эркаклардан фақат икки нафаригина ўзларига бўлган зўравонлик ҳақида расман шикоят қилишга журъат топа олган. Қолганлар, қасд олишларидан ёки уларнинг сексуал ориентацияси ҳақидаги маълумотларнинг оиласи ёки иш берувчиларига етиб боришдан чўчишларини билдиришган. Қирғизистонда гей ёки бисексуал эркакларни қонунсиз ҳибсга олгани, қийнагани ва уларга шафқатсиз муносабатда бўлгани учун милиция ходими жавобгарликка тортилганига оид бирорта ҳолат Хьюман райтс Вотч ташкилотига маълум эмас.

Қирғизистонда гей ёки бисексуал эркакларни қонунсиз ҳибсга олиш, қийнаш ва уларга шафқатсиз муносабатда бўлиш каби ҳолатлар бартараф қилиш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Бироқ, милиция суистеъмоли устидан маҳкумларнинг арз қилиш муҳанизми йўқ. Ҳукумат, милиция зўровонлиги жабрдийдалари, жумладан гейлар ва бисексуаллар, конфиденциалликка риоя қилган ҳолда шикоят билан мурожаат қилиши мумкин бўлган мустақил механизмни яратиши керак.

"Қирғизистондаги милиция ходимлари гейларни дўппослаши, номусига тегиши ва бошқа усуллар билан гейларни ҳеч монеликсиз азоблаши ва улардан пул ундириш мумкинлигини билишади", деди Кирей. "Ҳеч ким бировни севгани учун қўрқиб яшамаслиги керак. Қирғизистон ҳукумати милиция томонидан гей ва бисексуал эркакларга нисбатан зўровонлик ва таъмагирлик каби суистеъмолликларга чек қўйиши шарт."

“Улар биз шунга лойиқ эканимизни айтди”: Қирғизистонда милиция ходимларининг гей ва бисексуалларга нисбатан шафқатсизлиги ҳақидаги ҳисобот билан бу ерда танишинг:

<http://hrw.org/node/122474>

Хьюман Райтс Вотчинг Қирғизистон бўйича ҳисоботлари билан бу ерда танишинг:

<http://www.hrw.org/europecentral-asia/kyrgyzstan>

Хьюман Райтс Вотчинг ЛГБТ ҳуқуқлари ҳақидаги ҳисоботи билан бу ерда танишинг:

<http://www.hrw.org/topic/lgbt-rights>

Қўшимча маълумот бўйича мурожаат қилиш учун:

Бишкекда Анна Кирей (инглиз, рус, украин) : [+996-773-642960](tel:+996-773-642960) (мобил),
ёки kireya@hrw.org

Бишкекда Мира Риттманн (инглиз, рус) : [+996-777-140-134](tel:+996-777-140-134)(мобил),ёки rittmam@hrw.org

Бишкекда Борис Диттрих (инглиз, голланд, немис):[+996-772-795-143](tel:+996-772-795-143)(мобил),ёки
dittrib@hrw.org

Берлинда, Хью Уильямсон (инглиз,немис) : [+49-172-282-0535](tel:+49-172-282-0535) (мобил)
ёки williaa@hrw.org , Twitter @ HughAWilliamson.

Нью-Йоркда, Вероника Сценте Голдстон (инглиз, француз, швед,мажор ва фин) :
[+1-917-582-1271](tel:+1-917-582-1271)(мобил) ёки szentev@hrw.org

Лондонда, Бенджамин Уорд : [+44-796-8837-172](tel:+44-796-8837-172) (мобил), ёки wardb@hrw.org
Twitter @ Benjamin_P_Ward.

Танланган иқтибослар:

"Мен учун энг ёмони жинсий мойиллигим ҳақида оила аъзоларимга айтиб бераман деб таҳдид қилгани бўлди. Мени номозхон иккита акам бор. Улар жуда эътиқодли. Уларнинг кулоғига етса (мен учун) ўлим дегани бир сўз билан айтсак. Мен милиция нима истаса шуни ёзиб бердим. Мен бу гапнинг оиламга етишидан қаттиқ қўрқдим. Манзилим ва исмимни ёзиб бердим. Нима қилишни билмадим. Мен уларга 3000 қирғиз сўми (\$60)ваъда берганимдан кейин (пул келтириш учун) мени қўйиб юборишди. Онамни алдаб бу пулни олдим.Кейин мен ёзган аризамни қайтариб олиб йиртиб ташладим."

- Исроил И. (исми ўзгартirilган), Милиция зўравонлиги ва таъмагирлик қурбони.

"Милицияи ходими мендан, ”Сен педикмисан? Нега келдинг бу ерга? " деб сўради. Кейин менга тўппонча тираб ҳужжатини кўрсатди. Улардан бири бошимга урганида йиқилиб тушдим. Кейин улар мени машинага солиб бир муддат юришди. "Агар каналда чўкиб ўлишни истамасанг 600 доллар чиқар" дейишди. Машинада мени пистолет қўндоғи билан уришди. Кейин мени милиция бўлимига олиб келиб тепкилашди. Онангга сен қандай клубларга боришингни айтиб берамиз дейишди”.

- Максим Братухин, Бишкек ЛГБТ Pathfinder гуруҳи етакчисининг айтишича 2008 йил апрелида Бишкекдаги гейларнинг тунги клубидан чиқаётганидауни милиция ходимлари ушлаб калтаклашган.